



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 10 март, № 48 (5215)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчихонаси "Италия — Ўзбекистон" савдо палатаси билан ҳамкорликда Флоренциянинг "ПромоФиренце" Савдо-саноат палатасида "Ўзбекистонда Италия корхоналари учун улкан истиқболлар" мавзусида бизнес-форум ўтказди.

Флоренцияда Ўзбекистон иқтисодий салоҳияти тақдироти

Тадбир доирасида Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сарможий салоҳияти, хусусан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси (ЭИИЗ), Ўзбекистон Республикасининг

Дунё нигоҳи

Иқтисодий модернизация қилиш ва саноат тармоқларини техникавий-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурига киритилган устувор лойиҳалар тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбирда Тоскана минтақасининг нефть ва газ ҳамда тўқимачилик асбоб-ускуналари, қурилиш моллари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган йирик компаниялари вакиллари иштирок этди.

Бизнес-форум қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби тарқатилди.

Флоренция Савдо-саноат палатаси раиси Р. Понтелло Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан қабул қилинган иқтисодий ривожланишнинг кўламли дастурлари ишлаб чиқариш тизимини модернизациялаш, кенг миқёсда хусусийлаштириш ишларини амалга ошириш, кредитлар ажратиш ва имтиёзлар бериш орқали кичик ва ўрта корхоналар тараққиётини таъминлашни кўзда тутишни таъкидлади.

Хусусан, у ишлаб чиқариш жараёнида асосий эътибор инновация ва замонавий технологияларни қўллашга қаратилаётганини алоҳида қайд этди. Унинг фикрича, мазкур чора-тадбирлар янги иш ўринларининг яратилишига, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг барқарор тарзда ўсишига туртки бўлади. Бу, ўз навбатида, янги сармояларни шакллантириш ҳамда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ жалб қилиш учун қулай имконият яратди.

(Давоми 2-бетда).

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ ЗАРУРАТИ ВА АҲАМИЯТИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳалари қаторида давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида ҳам Ўзбекистонда тинчлик-хотиржамликни, сиёсий барқарорликни, ижтимоий тотувликни, иқтисодий тараққиётни, фуқаролар ҳуқуқи ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди.

Бу ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 11-моддасида мустақамланган давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда қонун чиқарувчи ҳокимият, жойларда вакиллик ҳокимияти органлари ваколатларини янада кенгайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича гуфат долзарб чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

2000 — 2010 йиллар ўрталаридаги даврда икки палатали миллий парламент ташкил этилди, илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эғаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозими тугатилди, 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Президенти бир вақтнинг ўзиде ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи эканини белгилайдиган норма чиқарилди. Бугунги кунда Конституциямизнинг 89-моддасига мувофиқ "Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди". Шу муносабат билан Президентнинг айрим ваколатлари Олий Мажлис Сенати ва Вазирлар Маҳкамасига олиб берилди. Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти янада такомиллаштирилди, Конституциянинг 98-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Давлат бошқарувини амалга оширишда сиёсий партияларнинг иштироки янада кенгайтирилди. Буларнинг ҳаммаси ушбу даврдаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеалар бўлди ва Ўзбекистон

тараққиётида ўзининг самарали натижасини бермоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш барқарорлигининг таъминланганлиги, банк-молия соҳасида олиб берилган оқилона сиёсат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимизга таъсирини камайтирди.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши тахминан 3,5 марта, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 2,5 марта, аҳолининг реал даромадлари 3,8 марта ошди. Кейинги йилларда давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошиб, маълум миқдордаги профицит билан бажариб қолди.

Мамлакатимиз иқтисодий, маънавий ва маданий ҳаётидаги тизимли ислохотлар натижасида аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 2010 йилга келиб 73 ёшга, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганининг ўзи юртимизда инсон саломадлигини асрашга, инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароитлар яратишга ва тегишли гамхўрлик кўрсатишга нечоғлиқ катта аҳамият берилаётганлигининг ёрқин исботидир.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Наврўзда ҳовли тўйлари

АНДИЖОН. Бўз туманида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 12 та замонавий тураржой ўз эгаларига топширилди.

Тоza ичимлик суви, табиий газ каби барча коммуникация тармоқларига уланган ушбу муҳташам иморатларни барпо этиш учун 812 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Эндиликда янги уй эгалари Наврўз байрамини муҳташам ҳовлиларида ишонлайдиган бўлишди.

Туманда ўтган йили 22,4 минг аҳолига мўлжалланган 27 минг квадрат метрдан зиёд тураржой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мактаблар глобал тармоқда

БУХОРО туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби "ZiyoNET" ахборот-таълим порталига уланди.

Натижада 702 нафар ўғил-қиз таълим олаётган даргоҳда ёшлар замонавий ахборот технологиялари ёрдамида илм-фандага энг сўнги янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб бормоқдалар.

Эътиборлиси, Вазирлар Маҳкамасининг "ZiyoNET" ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, вилоятда ҳозирга қадар 478 та таълим муассасаси мазкур порталдан фойдаланиш имконига эга бўлди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Иморатлар учун кўркам ашёлар

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Тўртқўллик тадбиркор Одилжон Каримов сай-ҳаракати билан алюминийдан эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона ташкил қилинди.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур "Саёҳатга чиқиш" масъулияти чекланган жамиятида дастлабки 40 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб, миқозларга етказиб берилди.

Айтиш керакики, Оролбўйида ўтган йили кичик корхоналар ташкил этиш ҳисобига қарий 21 мингташ иш ўрни яратилди.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Семинар

Мамлакатимизда иқтисодийётнинг етакчи соҳаларидан бири — қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ саноати ривожиде муҳим қадам

Натижада нафақат пахтачилик ва галлачилик, балки мева-сабзавотчилик, қорвачилик, паррандачилик ва балкичилик тармоқларида ҳам маҳсулот етиштириш ҳажми кескин ўсиб, аҳолининг бундай неъматларга бўлган эҳтиёжи қаноатли равишда таъминланаёпти. Утган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 2009 йилдагига нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилдагига таққос-

лаганда эса 1,8 бараварга ошгани бунинг тасдиғидир. Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасида "Агробанк" оқиқ акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликда ташкил этилган "Қишлоқ жойларда тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш" мавзусида семинар-тренингда шу ҳақда сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

БАХТИМИЗ БУТУН, ИҚБОЛИМИЗ БАЛАНД

Эътибор бор жойда ўзгарши, олға силжиш бўлади. Инсон меҳнатига бериладиган баҳо, кўрсатиладиган оддий рағбат унинг ҳаёти учун муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Гап шундаки, бугун мамлакатимизда аёл зотига кўрсатилаётган эҳтиром, юксак эъзоз ҳар биримизнинг қалбимизга олам-олам қувонч бахш этиб, эртанги кун учун янада масъул бўлишга ундамоқда.

"Агар қўнч оқар сув ёнига экилган бўлса ҳам, у ўз-ўзидан илдиэ отмайди, — дердилар бобом. — Унга доимий парвариш ва эътибор берилсагина дарахт бўлади, одамларга нафи тегади". Бобомнинг тез-тез такрорлайдиган ушбу гапларига болалигимда кўпам эътибор бермаган эканман. Мана энди улгайган, бу сўзларнинг ҳақ эканини кўплад тенгдошларим қатори ўз ҳаётим мисолида ҳам кўриб, англаб, ҳис қилиб турибман.

Ортимизда инсон ва унинг манфаатларига устувор вазифа сифатида қаралаётгани, ёшларга кўрсатилаётган бекиёс эътибор бугун ўзининг юксак самараларини бераётир. Бундай ютуқ ва муваффақиятлар ортида жамиятимизда хотин-қизлар ролини ошириш борасидаги ислохотлар ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табриғида ҳам алоҳида таъкидланганидек: "Тинч ва осойишта ҳаётнинг, меҳр-оқибат, шафқат ва муруват туйғуларининг қадрига етадиган жонқуяр ва оқила аёлларимизнинг оила ва маҳаллада, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, фай-

зу барака, соғлом муҳитни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари ҳар қанча эътиборга лойиқдир".

Мен давлатимиз раҳбарининг ушбу қанотбахш сўзларини муҳташам "Туркистон" саройида бўлиб ўтган тантанали анжуманда ўтириб эшитдим. Ушбу тантана чоғида кўплад соҳаларда ўзини кўрсатаётган дугоналарим, эканалигини кўплад тенгдошларим қатори мен ҳам бу йилги Зулҳайти номидаги давлат мукофотини кўлимга олдим. Ушбу мукофотни олар эканман, қалбимда ҳам қувонч, ҳам шараф, шу билан бирга, улкан масъулият ҳис этдим.

Болалигимдан математика, физика ва информатика фанларига меҳр кўйдим. Юртимизда иқтидорли ёшларнинг ўз қобилиятини намоён қилишлари учун барча имконият яратиб берилганлиги туйғулди 2008 йил Москва шаҳрида ўтказилган халқаро олимпиадада ғолиб бўлдим. Шунингдек, ўтган Баркамол авлод йилида бир неча республика танловларида ва халқаро олимпиадаларда қатнашиб, муносиб тақдирландим.

(Давоми 2-бетда).

ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ, СИФАТЛИ

спорт анжомлари фарзандларимизнинг камол топишида муҳим аҳамият касб этмоқда

Спортнинг оммавийлигини таъминлаш, ёшларнинг иқтидор ва маҳоратини оширишда замонавий спорт инвентарлари ҳамда ускуналарнинг аҳамияти катта. Эътиборли жиҳати, олдин четдан келтирилган бундай воситалар эндиликда ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бунинг завоиға 2010 йилда фойдаланишга топширилган барча спорт объекти белгиланган мезърларга мувофиқ, ўзимизда тайёрланган спорт ускуналари ва инвентарлари билан тўлиқ таъминланди.

Ислохот

Намангандаги "Машхим" масъулияти чекланган жамияти ҳам соҳа учун зарур спорт анжомларини тайёрлашга ихтисослаштирилган етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Юртимизда тадбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлар самараси ўлароқ, корхона қуввати йил сайин ортиб, ишлаб чиқариш суръатлари юксалиб бормоқда. Бунга ўтган йили тайёрланган маҳсулотларнинг асосий қисмига халқаро мувофиқлик сертификати берилгани ҳам далил бўлади.



Сифати юқори, пишиқлик ва қулайликда хорижникидан асло қолишмайдиган бу жиҳозларни кўриб, кишининг ҳаваси келади. Улар мамлакатимизда ишлаб чиқариш жараёнига изчил татбиқ этилаётган Маҳаллийлашти-

риш дастури самарасидир. Хусусан, дастлаб тўрт турда маҳсулот тайёрлаш билан фаолият бошлаган корхонанинг технологик имкониятлари қисқа фурсатда деярли йигирма фаробар ўсди. Бугун бу ерда ёғоч, пластмасса ва ме-

талдан 85 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналари тайёрланмоқда. Мураккаб машқларни бажаришга мўлжалланган тренажёрлар, баландлик ва узуллиқка сакраш мосламалари, кураш тўшамалари шулар жумласидандир.

Яна бир эътиборли жиҳати, хом ашё корхонанинг ўзиде қайта ишланган иккиламчи маҳсулот ҳисобиға тайёрланаётгани натижасида тежамкорликка эришилаётир.

(Давоми 2-бетда).

Соғлом фарзанд ўстириш, унинг камолини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзусидир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ана шундай эзгу ниятлар рўёби учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, ўғил-қизларимизнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш, уларда спортга маънабат туйғуларини шакллантириш борасида ўтган йиллар давомида кўлами ҳамда аҳамияти жиҳатидан жуда улкан ишлар амалга оширилди.

Айниқса, Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамгармасини тузиш тўғрисида"ги ҳамда 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Жамгарма ташкил этилгандан буюн республикамизнинг шаҳар ва туманлари, олис қишлоқларида янгидан-янги спорт мажмуала-

ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

ниятлардан қай даражада фойдаланилмоқда? Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йигилишида давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган устувор вазифаларнинг жойлардаги ижросига бағишлаб Сурхондарёда ўтказилган йиги-

лишида айна шу масалаға эътибор қаратилди. Вилоят ҳокими Т. Жўраев бошқарган тадбирда таъкидланганидек, ўтган вақт мобайнида болалар ўртасида спортни оммалаштириш бўйича муайян натижаларга эришилди. Бугунги кунда болалар спортини иншоотлари атрофида жойлашган таълим муассасаларининг 19 минг 203 нафар ўқув-

чиси спорт секцияларига жалб этилган. Утган йили воҳода бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизлар 529 нафарни ташкил этган бўлса, йил якунида уларнинг сони минг нафардан ошди.

Бу йил "Баркамол авлод — 2011" спорт мусобақаларининг финал босқичи Сурхондарё вилоятида ўтказилди. Шу муносабат билан Термиз шаҳрида бир қатор янги болалар спорт мажмуалари қурилмоқда. Хусусан, 10 минг туманига мўлжалланган футбол-енгил атлетика майдониға эға бўлган универсал спорт зали барпо этилаётир. "Кураш" спорт мажмуасини реконструкция қилиш бўйича қўшимча ишлар амалға оширилмоқда.

Бироқ соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Зеро, мавжуд спорт мажмуаларининг ҳам-

масидан тўлақонли фойдаланилаётми, деб бўлмайти. Мутахассислар, мураббийларнинг етишмаслиғи туйғулди спортнинг синхрон сузиш, сув полоси, велоспорт, чим устида хоккей, от спортини, спорт гимнастикаси, камондан ўқ отиш каби турларини ривожлантириш талаб даражасида эмас. Қишлоқ қизларини спорт секцияларига жалб этишда ҳам ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.

Тадбирда ана шу камчиликларни бартараф этиш, спорт мажмуаларидаги шарт-шароитларни, улардан фойдаланиш самардорлигини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Жўраев иштирок этди.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбир

ЖАҲОН

24 соат ичида

Поездлар ҳаракати издан чиқди

Японияда 7,2 балли зилзила рўй берди.

Табиий офат маркази Тинч океанининг шимоли-шарқий қирғоқларида жойлашган Хонсю оролида қайд этилган. Унинг таъсири мамлакатнинг 23 та префектурасида сезилган. Курбонлар ва жабранланган йўқ, шунингдек, вайроналар ҳам кузатилмаган. Аммо ер силкиниши баъзи худудларда транспорт воситалари қатновига салбий таъсир кўрсатган. Хусусан, "Жей Ар" темир йўл компаниясига қарашли тезорар поездлар ҳаракати тўхтаб қолган.

Соҳилдаги сирли ҳодиса

АҚШнинг Калифорния штатида балиқларнинг оммавий қиррилиши билан боғлиқ галати ҳодиса кузатилди.

Гап шундаки, Лос-Анжелес шаҳри яқинидаги Редондо-Бич акваторияси (сув ҳавзасининг бир қисми) соҳилига қарийб бир миллион дона ўлик сардина йиғилиб қолган. Табиийки, бу воқеа мазкур худуд аҳолисини саросимага солиб қўйди. Редондо-Бич сувининг таркиби текшириб кўрилганда эса,

ҳеч қандай захарли унсур аниқланмади. Ушбу ҳолат мутахассислар эътиборини тортмоқда. Улардан бири Эндрю Хьюаннинг айтишича, балиқлар кислород етишмовчилиги туфайли шундай қисматга дучор бўлган. Лекин бу аниқ ҳулоса эмас. Текшириув ишлари давом этмоқда.

Ишлаб чиқариш ва истеъмол

Нефть қазиб олувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК)га аъзо Кувайт, Бирлашган Араб Амирликлари ва Нигерия давлатлари "қора олтин" қазиб чиқариш ҳажмини кунига 300 минг баррелга оширишга келишиб олди.

Дунёда нефть нархи тобора кўтарилиб бораётгани сабабли шундай тўхтама келинди. Хусусан, биржаларда ўтказилган сўнгги савдолар чоғида "WTI" типидagi "қора олтин"нинг бир баррели 106,95, "Brent" тамғали углеводород хом ашёсининг бир баррели эса 118,5 АҚШ долларидан сотилган.

Олдинроқ Саудия Арабистони ҳам нефть ишлаб чиқариш ҳажмини кунига 700 минг баррелга оширган эди.

Шартнома имзолади

Хитойнинг "Air China" ва "Hong Kong Air" авиакомпаниялари АҚШнинг "Boeing" авиаконцерни билан самолёт савдоси бўйича катта миқдордаги келишувга эришди.


Бу ҳақда "Рейтер" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Қиймати 7 миллиард еврога тенг битимга кўра, "Boeing" мазкур компанияларга 42 та ҳаво лайнери етказиб беради.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, яқинда Чин улқасидаги йирик авиакомпаниялардан бири — "Hainan Airlines" ҳам "Boeing" билан 38 та самолёт харид қилиш бўйича шартнома тузганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

"Росагропромснаб" МЧЖ турли хил газ жиҳозларини

- ТАКЛИФ ЭТАДИ.
• УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
• ПЭК ФИЛЬТРАРИ, ИЗО МУФТАЛАРИ



Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90

Маълумот Тошкент ш., Чилонсар маҳалласи, "Ц" далами, 6-уй (шўжбал — "Шуҳрат" дўконни жойлашган чорраха)

Advertisement for 'Труба Завод' (Pipe Factory) in Tashkent, listing various pipe products and contact information.

Истиқлол ҳамюртларимизга изланиб, янгилек яратиб, эмин-эркин ижодий меҳнат қилиш имконини берди. Бугун замон билан баб-баравар одим ташлаётган, янги, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиб, жамоасини ҳам, юртни ҳам бирдек бойлатаётган корхоналар мамлакатимизда кўпайиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республикасидаги "Тахиа-тошдон" акциядорлик жамияти ана шундай корхоналардан биридир.

Корхонадаги эски гуруҳ цехи ички имкониятлардан фойдаланилган ҳолда қайта реконструкция қилинди. Аҳоли талабини ўрганган ҳолда, бу ерда бир кеча-кундузда 5 тонна арпа ёрмаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эндиликда янги цехда арпа ёрмасининг "Ниҳол", "Нодир" деб номланган икки хил нави ишлаб чиқарилмоқда. Бу махсулотлар юқори сифатли, бозор нархидан анча арзонлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда.

Ўтган йили "Агробанк" кредити ҳисобига Германиядан "Baxtel" технологияси олиб келиб ўрнатилди. Шу тариқа корхонада 16 та янги иш ўрни яратилиб, ҳар сменада 1,2 тонна буханка нон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

"Baxtel" технологияси ўзининг ихчамлиги, иш унуми ва сифати юқорилиги билан бизга манзур бўлди, — дейди нон цехи технология Қарлиғоч Бойжонова. — Шуниси эътиборлики, нон хамирини тайёрлашда, қолипларга солишда озгина хатолликка йўл қўйилса, дейлик

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

етарлича зичлик ёки стандарт огирлиги таъминланмаса, линия ўз-ўзидан тўхтаб қолади. Шунинг учун ҳам биз ишлаб чиқараётган нонлар ўзининг юқори сифати, хуш таъми, тўйимлилиги билан харидорларга манзур бўлаётир.

Корхона ишчиларини арзон гўшт ва сут махсулотлари билан таъминлаш мақсадида ёрдамчи хўжалик ҳам ташкил қилинди.

— Ҳозир хўжалигимизда 100 бosh қорамол парвариш-ляямиз, — дейди корхона раҳбари Озод Сайимбетов. — Чорва озукаси етиштириш мақсадида 4 гектар ер олиб, беда, маккажўхори эқдик. Янги иш ўринлари яратилди, касаначиликни йўлга қўйиш борасида ҳам сезиларли изланишлар олиб боришмоқда. Бугунги кунда 58 нафар касаначилик йўлга қўйилди.

начи уйда ўтирган ҳолда ишчи кўлқоплари, тегиримон материалларини тикиб бераётди. Шаҳарнинг ўндан зиёд маҳалласида

Интилиш
ги аҳолига маиший хизмат кўрсатаётган пойабзал таъмирловчилар, сартарошлар, тикувчилар ҳам шу корхона касаначилари ҳисобланишади. Корхона уларни хом ашё, асбоб-ускуна ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаб туради. Касаначилар жамоанинг тўлақонли

аъзолари ҳисобланадилар. Уларнинг ҳар бири учун меҳнат дафтарчалари очилган. Маошлари, шарт-шароитлари тайин. Меҳнат таътилларида турли сихаттоҳлар, ҳордиқ масканларига бориб, да-

волиниб, дам олиш имкониятлари кафолатланган. "Тахиа-тошдон" жамоаси ўтган йилги галла ўрим-йиғим мавсумида алоҳида ғайрат кўрсатди. Корхона Амударё, Хўжайли, Қонлиқул, Шуманай туманларидаги 465 нафар фермер хўжаликлари билан ўзаро шартнома асосида, улар етиштирган галлани пешма-пеш қабул қилиб олди.

Бош муҳандис ўз фидойи меҳнати билан корхона тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган тех-

нолог Савер Қалдиқулов, смена бошлиғи Парахат Бекниязов, ишчилардан Зулайҳо Бердибоева, Қаржон Муханов, касаначилардан Баҳор Қуандикова, Қалбика Алимбекова, Бахтиёр Хайдаров, Қайипназар Айтмуратовлар номини хурмат билан тилга олди.

— Ёрдамчи корхоналаримиздан олинган фойданинг бир қисмини корхонамизни иқтисодий ривожлантиришга, янги иш ўринлари яратишга сарфлаётган бўлсақ, бир қисмини ишчиларимиз ва уларнинг фарзандларини дам олишига, хайрли-савобли ишларга йўналтиряймиз, — дейди бош муҳандис. — Ишчиларимизнинг ўттиздан зиёд фарзандлари турли оромгоҳларда ёзги таътилни ўтказиши, йиғирмадан зиёд ишчиларимиз мамлакатимизнинг турли сихаттоҳларида саломатликларини тикладилар. Яқинда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 1 миллион сўм, Хўжайлидаги Меҳрибонлик уйига 300 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатдик.

Худоят АҲМЕДОВ. Т

Ибрат
Хонқалик тадбиркор Давлатжон Курбонов Мадир қишлоғида "Жайхун-парранда" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди.

Тадбиркор ташаббуси

50 миллион сўмлик маблағ эвазига ташкил этилган мазкур корхонада ҳозир 6 минг бошдан ортиқ жўжа парваришланмоқда. Жамият тўла қувват билан ишлаш бошлаган, бу ерда паррандалар сони 20 мингга етиб, қўшимча 5 та иш ўрни ташкил этилади. Айни пайтда йилга бир миллиард донагача туҳум етиштириш имконияти яратилди. Таъкидлаш керакки, вилоятда ўтган йили паррандачиликка ихтисослаштирилган 30 та хўжалик ташкил этилиб, уларда 150 мингдан ортиқ парранда боқилмоқда.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for Potolok-stroy-servis NK, offering construction services and materials like gypsum and concrete.

Large advertisement for the Chamber of Commerce and Industry of the Republic of Uzbekistan, listing various services and contact information.

Advertisement for UzBuild 15-18 March 2011, a construction exhibition in Tashkent, listing exhibitors and contact details.

